

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

248 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
20 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон «Тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиши тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 апрель,
12/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил
19 апрелдаги 12/14-сон қарорига
ИЛОВА

Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 4-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказий банкнинг олдиндан розилигини олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;».

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 41-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Банк ва улар филиаллари биноларининг муҳофазаси таъминланганлиги ҳамда муҳандис-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланганлиги, дастурий маҳсулотларнинг тайёрлиги юзасидан хулоса бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Янги бинонинг (банк филиалининг) Марказий банк талабларига мувофиқлиги ёки мўлжалланаётган бинонинг (банкнинг), асбоб-ускуналар, касса узелининг тайёрлиги ва дастурий-техник воситалар билан жиҳозланганлиги тўғрисида хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.».

3. 43, 44, 45, 103, 104 ва 105-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 74-банднинг «в» кичик бандидан ва 77-банднинг «д» кичик бандидан «мазкур Низомнинг IX бўлими талабларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 97-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Марказий банк томонидан банк филиалларини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.».

6. 109-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«109. Банклар томонидан чет элда ўз филиаллари, ваколатхоналари ва шўъба банкларини очиш ҳамда банклар ташкил этишга қатнашиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олиниши шарт. Банклар томонидан чет элда ўз филиаллари ва шўъба банкларини очиш ҳамда банклар ташкил этишга қатнашиш учун Марказий банкнинг рухсатномасини олиш Вазирлар Маҳ-

21 (625)-сон

— 19 —

248-249-моддалар

камасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.».

7. 114-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.